

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 23 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига ҳамда шу йил 18 январда республика Ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисада мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, энг аввало, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини жадал модернизациялаш ва ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурларини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга ошириш ҳисобига иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уни таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, жаҳон иқтисодиётида давом этаётган инқирозли ҳолатларга қарамай, иқтисодийни модернизациялаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш дастурининг тизимли ва изчил амалга оширилиши тўғрисида мажлисда иқтисодийни ўстиришнинг барқарор суратларини сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳақи 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш – 6,2 фоизга, қурилиш ишлари – 13,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдордаги профицит даражада ижро этилди. Инфляция бўлажаси прогноз параметрларидан ошмади.

Ички талабни рағбатлантириш ва ички бозорни рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар билан янада кўпроқ тўлдириб бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳақи 9,4 фоизга, чакана товар айланмаси 13,1 фоизга ва хизматлар ҳақи 9 фоизга кўпайди. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилдаги 52,1 фоиз ўрнига 52,5 фоизга ўсди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳақининг 40,4 фоизга ўстириш таъминланди, импорт ўрнини қоплашнинг ҳисоблаб чиқилган самарасини 1,0 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Энг аввало, иқтисодий тармоқларини жадал ривожлантиришга ва модернизациялаш кўламлигини кенгайтиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилаётганиги, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 7,2 фоиз, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳажмининг 35,5 фоиз ўсишига кўмаклашди, уларнинг қарийб 84 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилади. 587 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди, шунингдек, умумий қиймати 4,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 114 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида барча манбалар ҳисобидан 1,3 триллион сўм миқдорда маблағлар йўналтирилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ҳамда уларни экспортга етказиб бериш ҳажмлари ва турларини кўпайтириш дастурларининг бажарилишини муфассал таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисада фойдаланилмаётган резервларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш, қайта ишлаш тармоқларини, қурилиш индустрияси ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлан-

тириш ҳисобига ҳудудларни комплекс ривожлантиришни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган топшириқларнинг ижроси ҳолати кўриб чиқилиб, баътафсил таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, фойдаланилмаётган резервлар ва ишлаб чиқариш қувватларини танқидий баҳолаш юзасидан Иқтисодий вазирлиги томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда амалга оширилган ишлар натижасида тармоқ ва ҳудудий ривожлантиришни ўзаро муштажам боғлаш таъминланган ҳолда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўртача муддатли дастурларига тузатишлар киритилди.

Муҳокама давомида барча даражадаги ҳокимликлар, тармоқлар, корхоналар ва Иқтисодий вазирлиги раҳбарлари олдида фойдаланилмаётган резервлар ҳамда қувватларни аниқлаш ва сафарбар этиш самарадорлигини янада оширишга, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўртача муддатли дастурлари параметрлари ва тадбирларининг бажарилишини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган вазифалар кўйилди.

Мажлисада йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қайд этиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Миллий автомагистралари таркибига киритиш дастурларининг бажарилишини муфассал таҳлил қилиш бўйича жами 62 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Қўқон шаҳрини айланб ўтувчи "Тошкент-Уш" автомобиль йўлининг 42 километрлик қисмининг реконструкция қилиш тугалланди, 45 километр темир йўллар қайта тикланди.

Муҳокама давомида "Ўзавтотўй" давлат-акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ва аҳоли пунктлари кўчаларидаги йўл-қурилиш ва таъмирлаш ишларини, шунингдек, Ўзбекистон Миллий автомагистралари бўйлаб йўлбўйик инфратузилмаси ҳамда сервис объектиларини қуриш ва фойдаланишга топширишни жадаллаштириш, бажарилаётган ишларнинг

сифати юзасидан назоратни қўқайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш юқланди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг, энг аввало, идоравий ахборот ресурсларини ва маълумотлар базаларини шакллантириш, идоралараро айирбошлашни ташкил этиш ва интерфаол давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда интернет-сайтларни ривожлантириш ҳисобига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш бўйича вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг махсус бўлиналари фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги ҳисоботи эшитилди. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарларига "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерфаол давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шакллари жорий этишни алоҳида назоратга олиш топширилди.

Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарларининг эътибори уларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш кўламлигини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, энг аввало, замонавий идоравий ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини шакллантириш, сифатли идоралараро айирбошлашни ташкил этиш, интерфаол давлат хизматларини ривожлантириш зарурлигига қаратилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Замонавий уй-жой қурилиши" қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартiriш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омилли" мавзусида шу йил 17 апрелда Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференциядаги маърузасидан келиб чиқадиган кўрсатма ва вазифалар барча даражадаги ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар раҳбарларидан қишлоқларни тубдан қайта ўзгартiriшга, қишлоқ аҳолиси ҳаёти даражаси ва сифатини янада изчил оширишга, уларни замонавий стандартларга яқинлаштиришга йўналтирилган ишларни қўқайтиришни талаб қилади. Маҳаллий ижро этувчи

ҳокимият органлари, "Қишлоқ қурилиш инвести" компанияси ва "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик-тижорат банки раҳбарларига жорий йилда фойдаланишга топширилиши назарда тутилган қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича 10 мингта янги уй-жойлар қурилишини жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг мақсадли параметрларини сўзсиз бажа олиш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори, Тошкент шаҳар ва Қашқадар вилояти ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди. Қайд этиб ўтилдики, қўрилган аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида республикада 250,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, уларнинг 150 мингтадан кўпроги ёки қарийб 60 фоизи қишлоқ жойлардадир.

Бунда вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари эътибори касб-ҳунар коллежларининг 501 минг нафардан кўпроқ битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиётига ўташ ва уларни келгусида ишга жойлаштиришни таъминлаш учун аниқ корхоналар ва ташкилотларга бириктириш борасида улар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатига қаратилди.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари олдида янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ағзаллашган иқтисодиётларига мувофиқ ишга жойлаштиришни таъминлаш учун мажбур резервларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Қўқайтирилган масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига қиритилган масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А.

Вилоят кенгаши сессияси

КУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар гуруҳлари вилоят бўлиmlари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раислари, шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари иштирок этди.

Сессияда 2013 йилнинг 28-29 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида қўрилган масалалар, шунингдек, вилоятда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни кўчатириш хусусан Ўзбекистон Республикаси "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида" ги Қонунининг Ангрэн, Олмалик шаҳарлари, Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги ижроси кенг муҳокама этилди.

Бундан ташқари, республика Президентининг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони-нинг вилоятдаги ижроси кенг муҳокама этилди.

Сессияда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Сессияда вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов иштирок этди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш тўғрисида" ги Қонунининг 44-моддасига мувофиқ Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига 18- "Зафар", 36- "Оққўрғон", 45- "Келес" сайлов округларида сайлов 2013 йилнинг 12 май (якшанба кун) ўтказилсин.
2. Тошкент вилояти сайлов комиссияси (У. Абдушохидов)га бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказишни Қонун доирасида амалга ошириш топширилсин.

Сессия раиси

С. АГЗАМОВ.

Тошкент шаҳри, 2013 йил 19 апрель.


Жараён

ЯНГИ ПАСПОРТ ОЛДИНГИЗМИ?

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" ги Фармони эълон қилинганга тўрт йил бўлди. Унинг ижроси, яъни фуқароларни биометрик паспорт билан таъминлаш изчил давом этапти. Янги паспортнинг афзалликлари ва уни жорий этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида вилоят ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи Аҳмаджон Фуломов "Тошкент ҳақиқати" муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– "Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисида" ги Чикаго конвенцияси (1944 йил декабрь) ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) Монреал Ассамблеясининг 2004 йилдаги Қарори (резолюцияси) га мувофиқ ушбу ташкилотга аъзо давлатлар фуқароларининг шахсий биометрик параметрлари ва маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда

юқори ҳимо даражасига эга фуқаро паспортларини жорий этишлари шартлиги белгиланган. Биометрик маълумотларга эга ушбу паспортлар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар қалбақлаштирилишига қарши ҳимояни ошириш, Давлат чегарасидан ўтишда шахсни тез ва аниқ идентификациялашни такомил-



лаштириш мақсадига жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, жиноятларни очишда ушбу паспорт алоҳида аҳами-

ятга эга. Ҳозиргача дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тайёрланган

биометрик параметрли паспортлар жорий этилди.

(Давоми 2-бетда).

Илмий-амалий семинар

"Оқила, гўзал аёллар гамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса бутун жамятдаги мувозатнатни, поклик, ҳалоллик, салимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар".

ҚИЗЛАР ҲАЁ, ИБОСИ БИЛАН ГЎЗАЛ

Юртбошимизнинг аёлларга берган ҳолисона таърифида бир олам маъно мужассам. Бошқача айтганда, аёл бир кўли билан бешикни, бир кўли билан дунёни тебратди. Албатта, у яхши тарбия кўрган бўлса. Аввал оилада, кейин боғча, мактаб, коллежларда тўғри тарбия олган ёшлар, айниқса қизлар – нафақат оиласи, балки жамятининг обрўси, таянчи.

Тошкент Давлат аграр университетиде вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, "Оила" маркази ҳамда Аграр университети қошидаги Қўбрай академик лицейи ҳамкорлигида ўтказилган "Гул ўсаси эрининг кўрки, қиз ўсаси элининг" мавзусидаги ил-

мий-амалий семинар шу маънода ўз долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этди. Аввало, қизлар тарбиясига жамоатчилик эътиборини қаратиш, уларнинг кийиниши ва муомала маданиятини юксалтириш, замонавийликни "оммавий маданият"

дан фарқлай олиш, унинг салбий таъсиридан оғоҳ бўлиш, тарбияда оила, маҳалла, таълим муассасаларининг роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадига уюштирилган тадбир йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 2-бетда).



Семинар

Мамакатимиз раҳбарининг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан тадбиркорларга бир қатор қулай имкониятлар яратилмоқда.



Жумладан, ўтган 2012 йилда молиявий ҳисоботларнинг икки тури ҳамда давлат органлари ва ҳўжалик бошқарувлари доимий талаб қилаётган 50 турда-

ҲИСОБОТЛАР СОДДАЛАШДИ

ги бошқа ҳисоботлар, 80 турдаги рухсат бериш тартиб-таомиллари ва 11 та лицензияланадиган фаолият турлари бекор қилинди. Фармон талабларидан келиб чиқиб, солиқ ва бюджетга оид айрим қонун ҳужжатлари, жумладан Солиқ кодексининг 29 та моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Энди солиқ тўловчилар ҳисоботларни янгидан тасдиқланган шакл ва тартиб-қоидалар асосида ташкил этадилар.

лармонлари учун ташкил этилган семинар шу мавзуга бағишланди. Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, ҳисобот ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштиришга оид қулайлик ва имтиёзлар, афзаллик ва энгилликларни қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари, бош ҳисобчилари ҳамда кенг жамоатчиликка тушунтириш мақсадида уюштирилган тадбир самарали ўтди. Солиқ тўловчилар бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар

юзасидан 2012 йилда учта ҳисобот топширган бўлсалар, 2013 йилдан бошлаб битта соддалаштирилган ҳисобот тақдим этадиган бўлишиди. Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари бўйича 2 та ҳисоб-китоб тақдим этилган бўлса, бу йилдан битта ҳисобот топширадилар.

Хулоса қилиб айтганда, янги ҳисобот шакллари халқаро меъёр ва андозаларга мослаштирилди. **Саида ШИМАТОВА, Ёркебой БОТИРОВ** олган сурат.

ЧИРЧИҚЛИКЛАР БИРИНЧИ

Чирчиқ шаҳридаги Сержантлар тайёрлаш мактабида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят шаҳар ва туманлари босқичида ғолиб чиққан 18 та жамоа сафда юриш, саф қўшиғи, умумий сиёсий-ҳуқуқий тайёргарлик, АКМ автоматини сочиш ва йғиши, тезкор тиббий ёрдам, граната улоқтириш, турникда тортилиш каби 14 та шарт бўйича мусобақалашдилар. Шунингдек, ЮРТБОШИМИЗНИНГ "Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиш оstonасида" китобининг мазмун-моҳияти бўйича билимларини синадилар.

лигида ўтказилган мусобақа ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарғиботига хизмат қилмоқда. Шунингдек, ўқувчи-ёшларни Курол Кучлар сафларида хизмат қилишга тайёрлаш вазифасини ҳам ўтамоқда.

"Қамолот" ЁИХ вилоят кенгаши, мудофаа ишлари, ўрта махсус касб-хўна тарғиботи, маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, мудофаага қўмақлашувчи "Ватанпарвар" каби қатор ташкилотлар ҳамкор-

лигида ўтказилган мусобақа ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарғиботига хизмат қилмоқда. Шунингдек, ўқувчи-ёшларни Курол Кучлар сафларида хизмат қилишга тайёрлаш вазифасини ҳам ўтамоқда.

Кизгин кечган беллашувлар якунида 1-ўринни Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи жамоаси қўлга киритди. Энди улар мусобақанинг республика босқичига тайёргарлик кўрадилар. 2-, 3-ўрин Охангарон ва Қибрай тумани жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга ҳўмийларнинг эсдалик совғалари топширилди. **Ирода НОРБОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири, Даврон АХМАД** олган сурат.



Полиомиелит – хавфли касаллик

ЯГОНА МУОЛАЖА – ЭМЛАШ

Полиомиелит – ўткир юқумли касаллик бўлиб, бош мианинг турли бўғимлари ва орқа миё зарарланиши билан кечади. Касалликни вируслар қақиради.

Полиомиелит касаллиги кўпроқ ёш болаларда учрайди. Вируслар оғиз ва нафас йўллари орқали танага кириб, кўпаяди. Кейин қон орқали миёга боради. Натижада нафас ва юрак фаолияти бузилиб, касаллик ўлимга олиб келади ёки шол қилиб қўяди.

Вилоятимизга меҳмонга келган шу ёшдаги болалар ҳам эмланади.

Вилоятда 264 минг 61 болани эмлаш режалаштирилган. Шаҳар ва туманларда 654 та эмлаш пунктлари ташкил этилди. Уларда 2000 га яқин махсус тайёргарликдан ўтган тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади. Полиомиелитга қарши вакцинани сақлаш ва ишлаштириш учун жойларда 654 та совутич, 759 та совутич сумкаларидан фойдаланади. Эмлашдан сўнг турли нохуш жараён ва асоратлар қайт этилганда, малакали ёрдам кўрсатиш мақсадида 126 та қўшимча шифо ўринлари ташкил этилди. Эмлаш пунктларига 200 дан ортқ автомашиналар бириктирилди.

Охириги маълумотларга кўра, республикамизга қўшни бўлган Афғонистон ва Тожикистон республикаларида ўткир полиомиелит касаллиғи ҳануз қайт этилмоқда. Унинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, профилактик тадбирлар самардорлигини янада ошириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг "Европа худудида ёввойи полиовируси тарқалишининг олдини олиш тўғрисида"ги дастурини бажариш мақсадида, шунингдек 2010-2012 йилларда ўтказилган миллий эмлашнинг узвий давоми сифатида қўшни давлатлар билан чегарадош Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида полиомиелит касаллиғига қарши миллий эмлаш кунларини ўтказиш режалаштирилган. Ушбу тадбир 22-апрель ва 20-25 май кунлари ўтказилиб, янги турилган чақалоқлардан то 5 ёшгача бўлган болалар эмланади. Бундан ташқари, миллий эмлаш кунлари даврида

Бола врач кўригидан ўтиб, соғлом деб топилганидан сўнг, оғизга 4 томчи полиомиелит вакцинаси томизиш орқали эмланади. Эмлаш кунларида болада бирор сомастик ёки юқумли касалликнинг авж олиш даври кузатилганда, болага тиббий кечлов берилиб, соғломлаштирилгандан сўнггина эмланади.

Азиз ота-оналар! Эмлаш – болаларни полиомиелит касаллигидан ҳимоя қилишнинг ягона ва самарали усули эканлигини унутмайлик.

Бахтиёр УМИРЗОҚОВ, вилоят ДСЭММ бош шифокори.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Table with 5 columns: Savdo sanasi, Kim tomonidan savdoga kuyilgan, Kuchmas mulk nomi va manzili, Boshlangich bahosi (s'um), Sotilish bahosi (s'um). Contains real estate listings for various districts like Zangiota, Olmaliq, and Mirobod.

Table with 5 columns: Savdo sanasi, Kim tomonidan savdoga kuyilgan, Avtotransport nomi, ishlab chiqarilgan yili va davlat raqami, Boshlangich bahosi (s'um), Sotilish bahosi (s'um). Contains vehicle and machinery listings.

"КО'Р TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига тақлим этилган. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим этилган...

"КО'Р TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига тақлим этилган. Аукцион савдосига М. Улугбек тумани СИБ томонидан тақдим этилган...

2013 йил 24 майда Бўка агросаноат ва транспорт касб-хўнар коллежига махсус фан ўқитувчиси Н. Усмондиёр томонидан Инновацион таълим технологиялари асосида ОЧИҚ ДАРС ўтказилди. Очик дарс соат 9:30 да бошланади. Манзил: Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, А. Икромов кўчаси, 39. Тел.: 570-35-077.

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

2013 йилда ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ҲОЙЛАР УЧУН БЎЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ! 2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

Янги уйлар Сиз учун узок мuddатли сарма ва фарзандлар учун мерос. Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ! Танловдан ўтган тудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги.

2013 йил 24 март кuni Чилонзор метроси атрофида "ТИКО" автотомобилида 05.03.2012 йилда № 17/03-сонли "MIRALISHER AGRO SAVDO" МЧЖ ва "NORFOLK INVEST" МЧЖ ўртасида тузилган шартнома ва счет-фактураси унутиб қолдирилган. 534-31-43.

Футбол

ХОТИРА ТУРНИРИ

Вилоят футбол федерацияси ҳамда этилган "Ҳамюртлар хотираси" халқаро турнири низоҳисига етиб, голиб фонди ҳамкорлигида 24-бор ташкил ва совриндорлар маълум бўлди.

Собиқ "Пахтакор"чилар - Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Олим Аширов хотирасига бағишланган мусобақалар аввал тўртта гуруҳда Урта Чирчиқ ва Куйи Чирчиқ туманлари, шунингдек, Янгийул туманидаги "Халқобод" ва Янгийул футбол мактаб-интернати ўйингоҳида бўлиб ўтди. Гуруҳларда голибликни қўлга киритган тўртта жамоа халқчилуви босқичда ўзаро курашди.



Жўра Хоназаров номидаги "Халқобод" ўйингоҳида ўтказилган ушбу финал босқичида Янгийул футбол мактаб-интернати жамоаси чиройли ўйин кўрсатиб, тур-

нинг "Металлург" жамоаси футболчиларига насиб этди. Анъанага кўра, турнир сўнигида энг интизомли жамоа ҳамда энг яхши ўйин-



чилар аниқланиб, номлари эълон қилинади, - деди вилоят футболни кўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори Равшан Муслимов. - Зеро, турнирни ўтказишдан асосий мақсад - вилоятда болалар футболни ривожлантиришга амалий кўмак бериш, уларни руҳлантириш ва маънавий

рағбатлантириш. Мусобақалар якунида Россия Федерацияси Уфа шаҳар болалар футбол мактаби жамоаси турнирнинг энг интизомли жамоаси сифатида эътироф этилди. Шу жамоадан Комил Нусамиев, "Олмалик" профессионал футбол клуби вакили Бобур Маматқулов, Бекободнинг

"Металлург"идан Воҳид Сирожидинов, Янгийул футбол мактаб-интернатидан Жобир Халилов, вилоят футболга ихтисослашган олимпия захиралари мактаби ўқувчиси Нозим Носиров турнирнинг энг яхши футболчилари деб эълон қилинди. Собиқ ЗУФАРОВ олган суратлар.



ТЕРРОРЧИ ҲУШИГА КЕЛДИ

Бостон марафони пайтида террорчилик содир этишда гумон қилиниб, отишма чоғида оғир жараҳат етказилган Жоҳар Царнаев низоҳат шифохонада ўзига келди, дея хабар тарқатди ABC News телеканали.

Агентликка ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан берилган маълумотларга кўра, Царнаев томонидан яра-ланганлиги боис бир умр гапиролмайдиган бўлиб қолиши тахмин қилинганди. Ҳуши ўзига келганидан сўнг, терговчиларнинг қатор саволларига ёзма жавоб қайтарди.

Жоҳар ҳамда унинг 26 ёшли акаси Тамирлан юқоридаги террорчилик ҳаракатини уюштирганида айбонлишмоқда. Портлаш оқибатида уч киши вафот этди, 180 га яқин киши турли даражада жараҳат олди. Тамирлан эса полициячилар билан отишма чоғида отиб ўлдирилди. Жоҳар оғир ярадор ҳолда қўлга олинди. Шунингдек, ака-ука жиноятчиларни қўлга тушириш операцияси жараёнида битта полициячи вафот этди ва бир полициячи яраланди.

ЗИЛЗИЛА МЕКСИКАЛИКЛАР УЧУН АНГИЛИК ЭМАС

Associated Press агентлиги тарқатган хабарда айтилишига қараганда, Мексиканинг Мичоакан штати ҳудудда 5,9 магнитуда кучга эга зилзила қайд этилди.

АҚШ геология хизмати маълумотларига кўра, зилзиланинг маркази Тинч океани соҳилидаги Лазаро Карденас портдан шимоли-шарқда 38 километр масофада жойлашган. Мехико шаҳри зилзила ўчоғидан 320 километр узоқликда бўлса-да, бу ерда ҳам ер силкиниши анча сезиларли бўлган. Кўллаб аҳоли уйлари ташлаб, кўчага қочиб чиқилган.

Мичоакан штати маъмурири ўз берган табиий офат натижасида жабр кўрганлар ва вайронликлар хусусида ҳеч қандай маълумотга эга эмасликларини айтишди.

АҚШ геология хизматининг эслатишича, Мексика ер шарининг энг кўп зилзила содир бўладиган ҳудудларидан бирида жойлашган. Шу боис бу ерда тез-тез зилзилалар ўз бериб, вулконлар отилиб туради. Жумладан, 1985 йилда 8,1 магнитуда куч билан ер силкинганда мамлакат пойтахтида 9,5 мингдан зиёд киши қурбон бўлган эди.

ЕР ҲАМОН СИЛКИНИБ ТУРИБДИ

Хитойнинг жануби-ғарбий ҳудудда юз берган зилзиладан буён яна икки мингдан кўпроқ ер силкинишлари қайд этилди.

Хусусан, Сичуан вилоятининг Лушан уезида 7 магнитуда куч билан ер силкингандан сўнг икки кун давомида 2 мингдан зиёд майда зилзилалар қайд этилди. Сичуа агентлигининг маълум қилишича, ушбу қайта силкинишларнинг энг кучлиси 5,9 магнитудага тенг бўлди. Минтақада вақти-вақти билан ер силкиниши ҳамон давом этмоқда.

Расмий маълумотларга қараганда, бугунги кунгача қурбонлар 188 кишига етган, 11 мингдан зиёд фуқаро жараҳат олган. 25 киши эса, бедарак йўқолганлар рўйхатида киритилган.

Табиий офат юз берган ҳудудда уч кундан буён кенг қўламада қидирув-таққидурув ишлари давом этмоқда. Хитой маъмуриларнинг таъкидлашича, ҳозирча бу ишлар мамлакатнинг ўз кучлари билан епланмоқда, яъни четдан ёрдамчиларни таклиф этишга ҳоҳат йўқ.

ҲУҚУМАТНИНГ ЯНГИ ТАРКИБИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Венесуэланинг янги президенти Николас Мадуро ўтган яшанба кунин вазирлар маҳкамасининг янги таркибини эълон қилди.

Ҳуқуматнинг кўпгина муҳим вазирликлари раҳбарлари ўз лавозимларида қолдилар. Улар марҳум президент Уго Чавес томонидан тайинланган эди. Жумладан, вице-президент Хорхе Ареас ўз вазифасини бажаришда давом этмоқда. Шунингдек, адмирал Кармен Мелендес ҳам президент маъмурияти бошлиғи лавозимида қолди. Нефть ва тоғ-кон саноати вазирлигини аввалгидек, Рафаэл Рамиреснинг ўзи бошқаради. Шунингдек, у "Петролеос де Венесуэла" нефть компаниясига ҳам раҳбарлик қилади. Элиас Хауа ташқи ишлар вазири, адмирал Диего Молеро мудофаа вазири вазифасини бажаришда давом этишяпти.

Ҳукумат таркиби янгилангани муносабати билан режалаштириш ва молия вазирлиги иккига бўлинди - молия вазири этиб Венесуэла марказий банкнинг собиқ президенти Нельсон Мерентес тайинланди. Илгари молия вазирлигини бошқарган Хорхе Жорданга эса, режалаштириш вазирлигига раҳбарлик қилиш вазифаси топирилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

СОҒЛОМ ОНА - СОҒЛОМ БОЛА

ОИЛА ҚУРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Оилаларни асраб қолиш, бунинг учун фарзандларни оилага олинган тайёрлаш, уларни бу кўргонни мустақамлаб беришга ўргатиш энг аввало ота-оналарга бориқ. Кўпинча балоғатга етиш даврида ўсимлар тарбиясига юзаси қаралади. Натижада оилада турли кўнглисиз воқеалар юз беришига ўзимиз сабабчи бўламиз



Оилада уят, ор-номус каби тушунчаларнинг бўлгани албатта, яхши. Бироқ, ёшларни бу масалада беэтибор қолдириш керак, дегани эмас. Зеро, фарзанд тарбиясида жинсий масалаларга болаликдан қатта эътибор қаратиш лозим.

Жинсий ривожланишга икким шароити, оиладаги иқтисодий, маънавий ва руҳий ҳолат, жисмоний тарбия билан шугулланиш ва бошқа омилар таъсир кўрсатади. Балоғат ёшида нафақат ўсимир жисмида, балки руҳиятида ҳам ўзгаришлар рўй беради. Бу жараёнда ота-она ўз фарзандларига ҳар доимгидан кўра эътиборли бўлиб, уларнинг ўй-хаёллари, қизиқишларини тушунган ҳолда тўғри маслаҳатлар бериши керак.

Аслида киз боланинг биологик етилши даври 11-12 ёшда, ўғил болаларда эса 12 ёшдан бошлаб, 18-20 ёшгача давом этади. Аммо, бу уларнинг ота ёки она бўлиши учун етилганларини билдирмай-

ди. Турмуш қуришнинг энг мақбул ёши кизлар учун 20-22, йигитлар учун эса 22-24 ёшдир. Лекин айрим ота-оналар орзу-хавасларини устун қўйиб, фарзандларини эрта оилалари қилишади.

Яна бир муҳим масала: қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ ёмон оқибатларга олиб келади. Бунга йўл қўймайлик учун ҳар бир ота-она: "Менинг фарзандим оила қуришга, моддий ва маънавий таъминлашга, қайнота, қайнона, оила аъзолари билан муносабатга, соғлом фарзанд кўриш, уни тарбиялашга жисмонан ва руҳан тайёрми?" деган саволларни қўйиши ва уларга жавоб топиши керак. Акс ҳолда аттанг, деб қолишлари ҳеч гап эмас.

Албатта, эрта никоҳ эрта ҳомиладорликка олиб келади. Бу ҳомиладорлик жуда оғир кечиси, туғиш жараёнида она-боланинг соғлиғи ва ҳаёти хавф остида қолиши мумкин дегани. Биринчи ҳомиладорликдаги аборт эса бепушликка сабаб бўлиши мумкин.

Бундай кўнглисизликлар оилага ҳам моддий, ҳам маънавий зарба бўлиб, унинг мустақамлигига таъсир этади. Унутманг, фарзандларнинг келажақда соғ-саломат, баркамол бўлишини истасангиз эрта ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳга асло йўл қўйманг.

Фарида КОМИЛОВА.

Рассом хандаси



Эрим қоровулчиликка ишга кирган. Баъзида хизматни уйда ҳам ўтайди.

НИЯТ

Абдуракул отага келинининг авзойи бежо кўринди. Йўқ, у ҳаммаша-гидек, кечки овқатга дастурхон ёзди, чой дамлаб келди, кайтариб, сочик билан ўради-да, овқат сузгани ошхонага ўтди. Юриш-туришини кузатиб туриб, ота нари-бери тамадди қилган бўлди-ю, дуога қўл очди:

- Кунларинг ёруғ, тунларинг хайрли, изларинг қутли, чехранг ҳаммаша-гидек нурли бўлсин, қизим. Урнинда тураётиб, "Хайридин кўринмайди" деб қўйди.

- Ишда ушланиб қолгандирлар-да, хали-замон келиб қоладилар...

Келинининг овози бошқачароқ чиқди. Буни сезиб, Абдуракул ота кенжа набира билан андармон кампирига қўз ташлади. У "Беравермайсиэми" дегандек им қокди. Ота юқори уйга ўтиб, чироқни ёқди. Хонтахта ёнига ўтириб, қатига қоғоз қистирилган китобни қўлга олди. Лекин ўқий-мади, дилининг туб-тубидан муножот изҳорлари қуюлиб кела бошлади:

- Ё Парвардигор, ўзинг дардини енгил қилгин. Умидимиз ўзингдан. Шу аснода эшик очилиб, қизи Зухра кенжа хиянини етаклаб кирди: - Мультифильм кўра-миш...

Жиноятга жазо муқаррар

«ПОРА УНСА ЗОРА»

қабилдаги таваккалчилик кишини панжара ортига етаклайди.

Хато қилган киши, кўпинча, нафсини айблабди ёки шайтонга тош отади. Бироқ ақл неъматини ўрни ва вақтида ишлаш билмаганини тан олгиси келмайди. Нима учун? Чунки, унинг сабрсизлиги, бориға шукр, йўғига қаноат қилишни билмаслиги панд беради. Акс ҳолда Улғубек Умаров ўзини қўлида бўлмаган, бошқа ваколатли идоралар амалга оширадаган иш учун пора талаб қилармиди?

Асли касби ҳуқуқшунос Улғубек Умаров Қибрай тумани марказий шифохонасида ишларди. Унинг ваколатига ишлаб чиқариш билан боғлиқ буйруқларнинг қонунийлигини ўрганиш ва назорат қилиш қирар, шартнома ва бошқа ҳужжатларнинг ижросига масъул ҳисобланарди. Бундан ташқари, аризалар асосида ҳўжалик судлари мажлисларида иштирок этиш, шифохонага тушган ариза ва шикоятларга жавоб хатлари тайёрлаш каби қатор вазифалар унга юклатилганди.

2010 йилнинг май ойларида бош шифокор О. Бойматов фуқаро Умида Раҳимжонованинг укаси Фарҳод Собировга васийлик қилиш ҳақида қарор чиқариб беришларини сўраб, туман ҳокимлигига ёзган ариза-сини беради. (Эслатма: бундай масалалар туман ҳокимлиги ва шифохона келишуви асосида амалга оширилади).

У. Умаров ушбу масала-ни ўрганиш жараёнида У. Раҳимжоновани билан бир неча марта учрашди, зарур ҳужжатлар тўпланди. Навбатдаги учрашувларнинг бирида Улғубек Умаров Умида Раҳимжоновани билан муносабатини, бунинг учун туман ҳокимлигига қандай бир ярим минг АҚШ доллари бериш кераклигини айтиди. Шунда У. Раҳимжоновани ўзида бунча пул йўқлигини, амаллаб 300 минг сўм олиб келиб бериши мумкинлигини билдирди.

Келишув пишгач, У. Умаров туман ҳокимининг васийлик ҳақидаги қарорини чиқаришига киришиб кетди. Умида Раҳимжоновани укаси Тоҳир Собировга ўтганини эшитиб, фиғони фалакка етди. Опа-укалар ўртасида қанча можарола бўлиб ўтди. Мерос илжинида бўлган жигарлар сан-манга боришди. Бу вазиятдан фойдаланиб қолганини мақсад қилган У. Умаров эса шифохона ва ўз уйи ўртасида бўзчининг моқисидек қатнаётган Умида Раҳимжоновани васийликни қайтариб олиб беришга эвазига яна 300 минг сўм пора сўради. Бундай хатти-ҳаракатлар

ларинг яйраб юрсин. Ота китобни бир четга қўйди. Ёстиқни ёнбошига олди, кўзларини омиб, узок ётди. - Хонадонимга изли, қутли бўлиб кирдинг, қизим. Бизни ҳаммаша қувон-

ОТА ДУОСИ



тириб келаяпсан. Энг яхши орзу-ниятларинг ўзинга эш бўлсин. Дардинг енгил қўйсин, хонадонимиз чирогини ёқувчини қутаяпсан, мурудинг ҳосил, юзинг ёруғ бўлсин. Дардақшинг, маҳрамнинг ҳаммаша ёнинг-

да турсин, кўнглингни топиб, дарду гаминг, фароғатингга шерик бўлсин. Сўзингдан андиша, гапингдан маъно, муомалангдан ёқимли хиссиёт аримасин. Ували-жували бўл, қиздир, ўғилдир - фарзандларинг ҳам ўзингдек ор-номусли, меҳр-оқибатли, чидамли-қўнимли бўлиб воёга етсин. Уларнинг бахтини, фароғатини кўр, асло доғини кўрсатмасин.

Аллоҳим, ўзинг ҳамма нарсага қодирсан, қизимнинг унсиз орзуларини ўзинг ушат, неъматларингнинг дариг тутма, ноумид қилма...

...Ташқарида дупур-дупур оёқ товушлари қўла-қўла қалиниши билан Абдуракул ўрнидан туриб кетди. Эшиқда Зухра кўринди.

- Дада, Хайридин ўғили бўлди! Абдуракул ота қизини бағрига босди: - Аллоҳга шукр, умри, ризқи-рузи билан берган бўлсин. Бирининг бирингдан асло ҳам қилмасин.

Жўра САБДУЛЛАЕВ.

TOШKENT ҲАҚИҚАТИ ТАШKЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 236-55-54. 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ